


## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2018 йилнинг январь–мартида 1307 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1% кўпдир), уларнинг сони 26241 тага етди.

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Савдо
- Қурилиш
- Бошқалар

Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 25,6%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,4%), савдо соҳасида (20,1%) ва қурилишда (13,5%) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь–мартда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 35,6% (2017 йил январь-мартда 44,2%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1181,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,6%) ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 105,9% ташкил қилди;

- 878,6 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,2 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 94,1 %) ташкил қилди;

- 1678,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 39,0%) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 103,3% ташкил қилди;

- 1447,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,2%) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 108,1% кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 111,0% (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 16,8%), йўловчи айланмасининг эса 116,7% (умумий йўловчи айланмасининг 8,4%) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,9% ёки 2387,4 млрд. сўм (ўсиш 101,1%) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 76,2% ёки 1407,6 млрд. сўми (ўсиш 104,1%) шакллантирилди;

- 64,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,1%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 225,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 47,2%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	878,6	99,8
Саноат	1184,5	26,1
Қурилиш	1447,2	75,7
Чакана савдо	2387,4	76,6
Юк ташиш, млн т	5,9	17,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	21,0	13,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	65,4	0,4
Импорт, млн. АҚШ долл.	225,3	2,0

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

